

## **ТИЖОРАТ БАНҚЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИГИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ХУСУСИДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР**

*Юсунов Шерзод Музаффарович*

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада тижорат банкларининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар, яъни хорижлик ва Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг ушбу борадаги фикрлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** тижорат банклари, ликвидлик, молиявий барқарорлик, актив-пассив, активлар, мажбуриятлар.

Иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банкларининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилган ва тегишли илмий хулосалар, амалий тавсиялар шакллантирилган. Е.Жарковскаянинг хулосасига кўра, тижорат банкининг ликвидлиги – бу унинг активлари ва пассивлари ўртасидаги муносиблик, жойлаштирилган активлар ва жалб қилинган ресурсларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқлик даражасидир<sup>1</sup>. Н.Валенцева ва И.Ларионоваларнинг фикрича, тижорат банкининг ликвидлиги – бу унинг ўз мажбуриятлари бўйича ўз вақтида ва тўлиқ жавоб бера олиши ҳамда мижозларнинг янги маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талабларини қондира олишидир<sup>2</sup>. Ф.Мишкиннинг фикрига кўра, тижорат банкининг ликвидлиги деганда банкнинг ўз мажбуриятларини

---

<sup>1</sup> Жарковская Е.П. Финансовый анализ деятельности коммерческого банка: учебник. – М.: Омега-Л, 2010. – С. 83.

<sup>2</sup> Валенцева Н.И., Ларионова И.В. Оценка финансовой устойчивости и перспектив деятельности кредитных организаций. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2018. – С. 176.

бажариш учун зарур бўлган миқдорда ликвидли активларга эга бўлиши тушунилади<sup>3</sup>. Таниқли иқтисодчи олимларнинг тижорат банкининг ликвидлиги хусусидаги илмий-назарий қарашларидан хулоса қилиш мумкинки, тижорат банкининг ликвидлиги уларни ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришлари учун етарли даражада ликвидли активларга эга бўлиши сифатида талқин қилинмоқда. Бунинг учун эса, тижорат банкининг активлари ва жалб қилинган маблағлари ўртасида муносиблик таъминланган бўлиши керак.

О.Лаврушиннинг фикрига кўра, ликвидлилик - банк фаолиятининг муҳим сифат тавсифи бўлиб, унинг ишончлилиги ва барқарорлигидан гувоҳлик беради. Ликвидлиликни таъминлаш учун банк баланснинг шундай таркибини шакллантириш керакки, бунда активлар, ўз қийматини йўқотмаган ҳолда, пассивлар талаб қилиниши билан ўз вақтида пул маблағларига айланиши керак<sup>4</sup>.

Т.Никитинанинг фикрига кўра, тижорат банкининг ликвидлиги деганда унинг ўз мажбуриятларини аниқ муддатда тўловларни кечиктирмасдан бажара олиши тушунилса, банкнинг тўловга қобиллиги ўз мажбуриятларини бажара олиши, аммо бир неча кунга кечикиб бажариши кўзда тутилади<sup>5</sup>.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, “банк ликвидлиги” тушунчасини қўллаш таснифининг белгилари икки гуруҳга бўлинади:

- харид ликвидлиги ва тўпланган ликвидлилик;
- ички кунлик, жорий ва таркибий ликвидлилик.

Ликвидлилик шаклланиш манбаларига кўра харид ликвидлиги ва тўпланган ликвидликка бўлинади. Бунда харид ликвидлиги деганда банк томонидан жорий мажбуриятларни бажариш мақсадида пул маблағлари жалб қилиш тушунилади. Тўпланган ликвидлилик деганда эса, банк активларининг бир

---

<sup>3</sup> Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 267..

<sup>4</sup> Деньги, кредит, банки: учебник / Под ред. проф. О.И. Лаврушина. / М., 2007. – С. 412.

<sup>5</sup> Никитина Т.В. Банковский менеджмент: учебник. – СПб.: Питер, 2001. – С. 77.

қисмини кассадаги нақд пуллар, банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги пуллар ва юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар сифатида шакллантириш тушунилади<sup>6</sup>. Мазкур муаллифларнинг фикрига кўра, банкларнинг жорий ликвидлиги пул оқимларининг яқин истиқболдаги (14-30 кун) прогнозини акс эттиради. Таркибий ликвидлик эса, банк орқали ўтадиган пул оқимларининг ўрта ва узоқ муддатли ҳолатини акс эттиради.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан О.Саттаров Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигин таъминлаш масаласини мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилган ва бир қатор илмий таклифларни ишлаб чиққан. Унинг фикрига кўра, Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

– тижорат банкларининг ликвидлиги ва капиталининг етарлилигига нисбатан белгиладиган меъёрий талабларни такомиллаштириш лозим;

– банкларнинг корпоратив бошқарув тизимини, етакчи хорижий банклар ва молия институтларининг тажрибасини чуқур ўрганиш асосида, такомиллаштириш;

– жалб қилинадиган депозитларнинг фоиз ставкаларини қайта молиялаш ставкаси ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда ўрнатиш тизимини ишлаб чиқиш;

– депозит операцияларига нисбатан норматив талабларни такомиллаштириш, аҳоли омонатларини жалб қилиш таркиби ва шартларин оптималлаштириш бўйича талабларни, банкларнинг барқарорлигига таъсир қилувчи эҳтимолий рискларнинг юзага келишини минималлаштириш мақсадида, такомиллаштириш;

– тижорат банкларининг ликвидлигига кўйиладиган меъёр ва талабларни ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш<sup>7</sup>.

---

<sup>6</sup> Москвин, В.А., Тавасиев, А.М., Эриашвили, Н.Д. Банковское дело / М.: ЮНИТИ, 2007. – С. 85; Леонович, Т.И., Петрушина, В.М. Управление рисками в банковской деятельности: учебное пособие / М.: Дикта Мисанта. - 2012. – С. 46.

<sup>7</sup> Саттаров О.Б. Актуальные вопросы обеспечения устойчивости банковской системы Республики Узбекистан//Банковское дело, 2016. – №9. – С. 25.